



Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгашининг


# АХБОРОТИ

Ахборотда судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари, судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, фуқаролар мурожаатларининг таҳлили, замонавий ахборот-технологияларни жорий этиш, судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари, суд фахрийларини рағбатлантириш, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, Кенгаш ташаббуси билан нашр этилган китоб ва қўлланмалар ҳамда ибрат мактабини яратиш билан боғлиқ қилинган ишлар жамланган.



**Судьяларни танлаш ва лавозимларига тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.**

**Шавкат Миромонович Мирзиёев,**  
*Ўзбекистон Республикаси Президенти*



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ахборотномаси  
[Matn]: ахборотнома – Тошкент: «Ijod Nashr» нашриёти. 2025. – 80 б.

## КИРИШ

Судьялар олий кенгаши жорий йилда судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш, судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, замонавий ахборот-технологияларни жорий этиш, судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ишларини ташкил этиш ҳамда суд фахрийларини рағбатлантириш борасида муайян ишларни амалга оширди.

2024 йилда суд тизимидаги энг асосий воқелик давлатимиз раҳбарининг «Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бўлди. Фармонга асосан, 2025 йил 1 январидан жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар судларида алоҳида – тергов судьялари фаолият бошлади. Тергов судьяси институти жорий этилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини «Инсон қадри учун» тамойили асосида янги босқичга кўтариш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Фармондан келиб чиқиб, Судьялар олий кенгаши томонидан тергов судьяси лавозимига юқори малакали ва масъулиятли кадрлар тайинланди.

2024 йилда Судьялар олий кенгаши фаолиятида халқаро ҳамкорлик алоҳида кўзга ташланади. Бу даврда ўзбек судьялари ҳамжамияти вакиллари Испания қироллигининг Судьялар бош кенгаши ҳамда Судьялар мактаби фаолияти билан яқиндан танишди, судьялик лавозимларига номзодлар тайёрлаш, судьялар корпусини шакллантириш ҳамда уларнинг узлуксиз таълими бўйича тажриба алмашилди.

Шунингдек, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларининг Судьялар кенгашлари вакилларидан иборат делегация мамлакатимизга ташриф буюриб, юртимизда изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, айти жараёнда суд мустақиллиги, судьялар дахлсизлиги самарали таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди, айтиқса, судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, лавозимга танлаш ва тайинлаш бўйича жорий этилган янги тартиблари уларда катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур тўпланда юқорида Судьялар олий кенгашининг 2024 йилда амалга оширган ишлари сарҳисоби жамланган.




# Судьялар корпусини шакллантириш

## 2025 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган судьялар ва вакант судьялик лавозимлари ҳақида маълумот

Судлар номи	Судлар сони	Штат бирлиги	Шундан				
			Ишлаётган		Вакант		
Олий суд	1	73	70	95,9%	3	4,1%	
Умумюрисдикция судлари	367	1373	1292	94,1%	81	5,9%	
Шундан	Вилоят судлари	14	387	368	95,1%	19	4,9%
	Туманлараро, туман (шаҳар) судлари	353	986	924	93,7%	62	6,3%
Маъмурий судлар	28	173	153	88,4%	20	11,6%	
Шундан	Вилоят судлари	14	102	91	89,2%	11	10,8%
	Туманлараро судлари	14	71	62	87,3%	9	12,7%
Ҳарбий судлар	6	12	11	91,7%	1	8,3%	
<b>ЖАМИ</b>	<b>1631</b>	<b>1631</b>	<b>1526</b>	<b>93,6%</b>	<b>105</b>	<b>6,4%</b>	

## Вакант судьялик лавозимлари кўрсаткичи динамикаси



## Судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш




### 2024 йил давомида

- **31 (35)** мартаба Кенгаш мажлиси ўтказилган бўлиб,
- унда жами **1000 (764)** та масала муҳокама қилинган.
- Шундан, **950 (710)** та судьялик лавозимига тайинлаш,
- **44 (49)** та судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш,
- **6 (5)** та бошқа масала муҳокама қилинган.

### ШУНДАН

Ўтказилган мажлислар	Кенгашда кўриб чиқилган масалалар	Судьялик лавозимига тайинлаш масаласи	Судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш масаласи	Бошқа масалалар
31	1000	950	44	6

### Ўтказилган мажлислар динамикаси



## Судьялик лавозимлари тоифалари тўғрисида маълумот

Судьялик лавозимлари тоифалари		Штат	Штат таркиби %	Ишлаётган		Вакант		
<b>ЖАМИ:</b>		<b>1631</b>		<b>1526</b>	<b>93,4%</b>	<b>105</b>	<b>6,4%</b>	
1	Сенат томонидан сайланадиган лавозим	73	4,5%	70	95,9%	3	4,1%	
2	Президент томонидан тайинланадиган лавозим	69	4,2%	66	95,7%	3	4,3%	
3	Жўқорғи Кенгес томонидан тайинланадиган лавозим	95	5,8%	87	91,6%	8	8,4%	
4	Кенгаш томонидан тайинладиган лавозим	1394	85,5%	1303	93,5%	91	6,5%	
5	шундан	Вилоят судининг судьяси	417	25,6%	390	93,5%	27	6,5%
		Кўп таркибли туман судининг раиси	339	20,8%	322	95,3%	16	4,7%
		Туман суди раисининг ўринбосари	14	0,9%	13	92,9%	1	7,1%
		Бир таркибли туман судининг раиси	28	1,7%	28	100,0%		
		Туман судининг судьяси	676	41,4%	622	92,0%	54	8,0%
		Ҳарбий суд раиси ва судьяси	10	0,6%	9	90,0%	1	10,0%




	Жами штатлар	Шундан	
		Ишлаб турган судьялар	Вакант лавозимлар
Қорақалпоғистон Республикаси	95	87	8
Андижон вилояти	110	103	7
Бухоро вилояти	92	88	4
Жиззах вилояти	81	76	5
Қашқадарё вилояти	112	107	5
Навоий вилояти	72	70	2
Наманган вилояти	100	90	10
Самарқанд вилояти	126	120	6
Сирдарё вилояти	72	67	5
Сурхондарё вилояти	99	93	6
Фарғона вилояти	130	117	13
Хоразм вилояти	82	74	8
Тошкент вилояти	164	155	9
Тошкент шаҳри	211	198	13
Олий суд	73	70	3
Ҳарбий судлар	12	11	1
<b>ЖАМИ</b>	<b>1631</b>	<b>1526</b>	<b>105</b>

2024 йил судьялик лавозимларига биринчи мартда тайинланадиган номзодларни судьялик лавозимига саралаш танловида иштирок этиш учун жами **294 (206)** та ариза келиб тушган. Шундан **136 (67)** та жиноят ишлари бўйича, **71 (66)** та фуқаролик ишлари бўйича, **51 (38)** та иқтисодий судлар, **36 (35)** та маъмурий судларнинг судьяси лавозимига иштирок этиш учун тақдим этилган.

Судлар	Танловда иштирок этган номзодлар	Шундан	
		лавозимга тайинланган	аризаси рад этилган
Жиноят	136	48	88
Фуқаролик	71	55	16
Иқтисодий	51	17	34
Маъмурий	36	21	15
<b>ЖАМИ</b>	<b>294</b>	<b>141</b>	<b>153</b>

Судлар	Жами	Муносиб деб топилган		Номуносиб деб топилган		Рад этилган	
		сони	%	сони	%	сони	%
Олий суд	9	9	100%				
ЖИБ судлар	130	95	73 %	35	30 %		
ФИБ судлар	122	101	82.8 %	21	17.2 %		
Иқтисодий судлар	53	49	92.4 %	4	7.6 %		
Маъмурий судлар	44	39	88.6 %	5	12.4 %		
Тергов судлар	240	240	100 %				
Қайта тайинланганлар	352	250	71.1 %		28.9 %	102	
<b>ЖАМИ</b>	<b>950</b>	<b>783</b>	<b>82.4 %</b>	<b>65</b>	<b>6.8 %</b>	<b>102</b>	<b>10.7%</b>

### Судьялик лавозимига тайинлаш масаласида муҳокама қилинган



**950 (710)** нафар номзоднинг  
**783 (541)** нафари ёки  
**82.4 (76.1) %** судьялик лавозимига  
муносиб деб топилган,

**65 (35)** нафари ёки  
**6.8 (4.9) %** судьялик лавозимига  
номуносиб деб топилган,

**102 (134)** нафари ёки  
**10.7 (18.8) %** қайта тайинлаш  
рад этилган.


2024 йил давомида Судьялар олий кенгаши томонидан янги муддатга **14 нафар**, навбатдаги муддатга тавсия этилган **46 нафар** судьялар ва илк бор судьялик лавозимига тавсия этилган жами **5 нафар** номзодлар судьялик лавозимига номуносиб деб топилган.

Судьялик лавозимига муносиб номзодлар	Шундан				
	Беш йил муддатга	Навбатдаги ўн йил муддатга	Муддатсиз даврга	Тергов судьяси	Қайта тайинланган
783	142	146	5	240	250

Бундан ташқари, **9 (12)** нафар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига, **4 (18)** нафар вилоят судларининг раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритилган.

2024 йил давомида **31 (22)** нафар судьялик лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимномалар киритилган. Янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига тавсия этилган **36 (120)** нафар номзоднинг ҳужжатлари ўрганилмоқда.

### Судьялик лавозимига ilk бор тайинланган номзодлар ҳақида маълумот



**2024 йилда Кенгаш томонидан беш йил муддатга судьялик лавозимларига**

**142 (142)** нафар номзод муносиб деб топилган бўлиб,


уларнинг **48 (36)** нафари жиноят ишлари бўйича суди,

**55 (52)** нафари фуқаролик ишлари бўйича суди,

**17 (29)** нафари иқтисодий суди,

**22 (25)** нафари маъмурий суди судьялигига тайинланган.

## Ўн йиллик муддатга тайинланган (сайланган) судьялар ҳақида маълумот



ЖАМИ

146

Ҳисобот даврида судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига 2024 йилда **146 (111)** нафар номзод муносиб деб топилган.

Жумладан:

**5 (6)** нафари Олий суднинг судьяси,

**45 (34)** нафари жиноят ишлари бўйича,

**46 (32)** нафари фуқаролик ишлари бўйича,

**32 (21)** нафар иқтисодий

**18 (12)** нафари маъмурий судга тайинлаш учун кўрсатилган.

	Жами ишлаётган	шундан					
		5 йил		10 йил		муддатсиз	
		сони	%	сони	%	сони	%
<b>ЖАМИ</b>	<b>1526</b>	<b>502</b>	<b>33,0</b>	<b>968</b>	<b>63,6</b>	<b>53</b>	<b>3,5</b>

## Муддатсиз даврга тайинланган (сайланган) судьялар бўйича маълумот


2024 йил давомида судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига **5 (5)** нафар номзод муносиб деб топилган.

Хусусан **3 (1)** нафари Олий суднинг судьяси, **1 (2)** нафари вилоят суди раисининг ўринбосари, **1 (2)** нафари жиноят ишлари бўйича судларнинг судьяси лавозимига тайинланган.


## Судьялик ваколати муддати даврига қайта тайинланган судьялар бўйича маълумот

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгаш томонидан **250 (283) нафар** судья ваколат муддати даврига бошқа судьялик лавозимларига қайта тайинланган бўлиб, шундан **97 (83) нафари** жиноят, **72 (75) нафари** фуқаролик, **35 (50) нафари** маъмурий, **39 (55) нафари** иқтисодий, **3 нафари** Олий суднинг судьяси, **1 (10) нафари** вилоят суди раиси ҳамда **3 (6) нафари** вилоят суди раисининг ўринбосари лавозимларига қайта тайинланган.


### Жиноят ишлари бўйича судьялар




### Фуқаролик ишлари бўйича судьялар



### Маъмурий ишлар бўйича судьялар



### Иқтисодий ишлар бўйича судьялар




## Ваколатлари муддатидан илгари тугатилган судьялар

2024 йил давомида Судьялар олий кенгаши томонидан жами **40 (49)** нафар судьянинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган.

	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил
Ваколат муддати тугатилган судьялар сони	<b>16</b>	<b>27</b>	<b>54</b>	<b>49</b>	<b>40</b>
Ўзма аризасига кўра	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>30</b>	<b>24</b>	<b>19</b>
Судьялик қасамёдини бузганлиги учун	<b>8</b>	<b>11</b>	<b>22</b>	<b>17</b>	<b>11</b>
Судьялар одоб кодекси талабини бузганлиги учун	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>2</b>	<b>8</b>	<b>10</b>

## Судьяларнинг ёши ҳақида маълумот



## Тергов судьялари корпусини шакллантириш

	Жами штатлар	Шундан	
		Тайинланди	Вакант
Қорақалпоғистон Республикаси	18	18	
Андижон вилояти	17	17	
Бухоро вилояти	14	14	
Жиззах вилояти	14	14	
Қашқадарё вилояти	17	17	
Навоий вилояти	11	11	
Наманган вилояти	14	13	1
Самарқанд вилояти	19	19	
Сирдарё вилояти	12	12	
Сурхондарё вилояти	16	16	
Фарғона вилояти	22	22	
Хоразм вилояти	14	14	
Тошкент вилояти	27	27	
Тошкент шаҳри	26	26	
<b>ЖАМИ</b>	<b>241</b>	<b>240</b>	<b>1</b>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июндаги “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сонли Фармони билан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида тергов судьяси лавозими жорий этилди.

Фармонда Судьялар олий кенгашига тергов судьялари корпусини шакллантириш вазифаси юклатилган.

Шу муносабат билан, **241** та тергов судьяси штат бирлиги тасдиқланиб, жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Судьялар олий кенгаши қарори билан малакали судьялар орасидан **240** нафар тергов судьялари лавозимларга тайинланди.

Тергов судьяларининг **14** нафари ёки **6,0 %**ни аёл судьялар, **131** нафари ёки **55,0 %**ни 40 ёшдан ошган судьялар ташкил этиб, **215** нафари ёки **90,0 %**нинг судьялик стажи 3 йилдан юқори.

Шунингдек, жорий йилнинг 17-23 декабрь кунлари тергов судьялари учун алоҳида режа-графикка асосан семинар машғулотлари ташкил этилди.

## Тергов судьялари корпусини шакллантириш юзасидан матбуот анжумани

Ўзбекистон Республикаси Олий суд мутасаддилари ва Судьялар олий кенгаши вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда адвокатура институти вакиллари ҳам иштирок этишди.



Бундан ташқари Судьялар олий кенгаши судьялари, Олий суд судьялари ва Судьялар олий мактаби ўқитувчилари томонидан ўтказилган семинар машғулотларида Фармон мазмун-моҳияти тушунтирилиб, тергов судьялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳамда тергов судьялар ишини ташкил қилиш масалалари муҳокама қилинди.



## Малака ҳайъатлари форуми бўлиб ўтди



Форумда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва одил судловни амалга оширишда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини кучайтириш, судьялар масъулиятини янада ошириш, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ноқонуний таъсирларнинг олдини олиш, Судьялар одоби кодекси қоидаларига риоя этилиши бўйича амалга оширилган ишлар ва яқин келажақдаги режалари муҳокама қилинди.

Судьялар корпусининг шакллантириш, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципларига риоя этилишини таъминлашда судьялар малака ҳайъатларининг алоҳида ҳиссаси борлиги;

Айниқса, суд тизимидаги янги институт – тергов судьялари лавозимларига муносиб номзодларни танлаш ва тавсиялар беришда малака ҳайъатларининг уюшқоқ фаолияти алоҳида эътироф этилди.

Судьянинг интизомий жавобгарлиги, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш, суд ишларига турли шаклда таъсир кўрсатишга уринишларнинг олдини олишда таъсирчан механизмларни қўллаш ҳамда

Судьялар одоб кодекси қоидаларига риоя этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.



# Судьялар дахлсизлигини таъминлаш

## Судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар

Судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг судга бўлган ишончига путур етказилишининг олдини олиш мақсадида **5** та ҳолатда Бош прокуратурага тақдимнома киритилди.

Тақдимномалар натижасида **2** та жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, Судьялар олий малака ҳайъатига **10** нафар судьяга нисбатан асоссиз интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

## Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги



2024 йилда **718** та хизмат текшируви ўтказилган бўлиб, **506** та **интизомий иш қўзғатилган**, **274** нафар судьяга интизомий жазо қўлланилган.

Шундан **27** нафар судьянинг судьялик ваколати муддатидан илгари тугатилган, **92** нафар судьяга нисбатан “**ҳайфсан**”, **31** нафар судьяга нисбатан “**жарима**”, **124** нафар судьяга нисбатан “**огоҳлантириш**”, **229** нафар судьяга нисбатан интизомий иш тугатилган. Қўзғатилган интизомий ишларнинг **193** таси фуқаролик, **223** таси жиноят, **74** таси иқтисодий, **16** таси маъмурий суд судьяларига тўғри келади.

Шу жумладан, **52** та интизомий иш судлар томонидан чиқарилган хусусий ажримлар, **319** таси Олий суд ва вилоят судлари томонидан судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини ўрганиш натижаларига кўра, **135** таси жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида қўзғатилган.

## Интизомий иш қўзғатилган ҳолатлар ҳудудлар кесимида



**Таҳлилларга кўра, интизомий ишларнинг аксарият қисми** Тошкент шаҳар **36**, Тошкент вилояти **28**, Сурхондарё вилояти **45**, Қашқадарё вилояти **21**, Навоий вилояти **16**, Самарқанд вилояти **36**, Бухоро вилояти **17**, Фарғона вилояти **15**, Жиззах вилояти **7** Қорақалпоғистон Республикаси **8** кўрсаткичларига тўғри келади.

Мазкур интизомий ишларнинг **27** таси Кенгаш томонидан, **40** таси Олий малака ҳайъати томонидан, **306** таси жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан ўтказилган хизмат текширувлари асосида қўзғатилган.

## Коррупциянинг барвақт олдини олиш чора-тадбирлари



Судьялар олий кенгаши ва “Минтақавий мулоқот” (Словения) ноҳукумат халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда халқаро экспертлар, ҳуқушунос олимлар ва мамлакатимизнинг жиноят ишлари бўйича судлар судьялари иштирок этган.

Тадбирнинг биринчи кунда коррупцион жиноятларнинг хос хусусиятлари, мураккаблиги келиб чиқиб, дастлабки суд эшитувидан ҳукмгача бўлган жараёнлар, хусусан, рақамли далилларнинг олиш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан фикр алмашилди.



Шунингдек, гувоҳлар билан ишлаш, бир нечта жиноят ишларини бирлаштириш ёки алоҳида иш юритувга олиш, айбга иқрорлик бўйича келишувлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга оид масалалари ҳамда мазкур тоифадаги ишлар борасида матбуот ва жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича АҚШ, Словения давлатлари тажрибалари билан танишилди.

Жонли мулоқотлар жараёнида коррупцион жиноят турлари ва унинг иштирокчиларига хатти-ҳаракатлари малакалаш ҳамда жазо тайинлаш, компенсация ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақида ҳам сўз юритилди.



**Коррупциявий  
жиноятларга қарши  
иммунитетни  
шакллантириш  
мақсадида "Пора  
берма" номли  
постер фуқаролар  
қабулхоналарига,  
"Пора олма" номли  
буклет судьяларнинг  
хизмат хоналарига  
жойлаштирилди.**



Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий Кенгаш  
ташаббуси билан **“Пушаймон”**  
қисқа метражли фильм  
суратга олинди. Фильмда иш  
фаолиятида коррупцияга йўл қўйган ва бунинг оқибатида ҳаёти издан  
чиққан собиқ судьянинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

Соҳа ходимларида коррупцияга нисбатан мурасасизлик кайфиятини  
қарор топтириш мақсадида мазкур фильм жойларда ўтказилган маърифий  
тадбирларларда судьялар ва уларнинг оила аъзоларига намойиш этилди.

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси томонидан **97** нафар судья билан профилактик суҳбат ўтказилди.







## Судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш



Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курси (2023/2024 ўқув йили) битирувчиларига магистр дипломи топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Судьялар олий кенгаши, Конституциявий суд, Олий суд, Судьялар ассоциацияси мутасаддилари, фахрийлар ҳамда битирувчиларнинг яқин қариндошлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар судьялик лавозимининг шарафи ва масъулиятига кўпроқ тўхталди, Судьялар олий мактабида олган билим ва кўникмалар суд ҳокимиятининг равнақи сарфлашларига ишонч билдирди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш орқали суд бўлган ишончни янада оширишга муносиб ҳисса қўшишлари лозимлигини айтиб, келажак фаолиятига омадлар тилади.

Жорий ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсини **153** нафар тингловчи битирди.



Уларнинг **48** нафари жиноят, **47** нафари фуқаролик, **30** нафари иқтисодий ва **28** нафари маъмурий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича таҳсил олди. Битирувчиларнинг **41** нафари хотин-қизлар, 20 нафари магистр даражасига эга ҳамда **4** нафари юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ҳисобланади.




**153**Нафар магистратура  
тингловчиси**48** Жиноят**30** Иқтисодий**47** Фуқаролик**28** Маъмурий


### Судьялар олий мактабига қабул

2024 йил 15 август кунлари судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура ўқув курсига қабул қилиш учун синов имтиҳонлари бўлиб ўтди.


Имтиҳон натижаларига кўра, **1030** нафар талабгордан **187** нафари Судьялар олий мактаби магистратура босқичи тингловчилари сафига қабул қилинди.



2020-2024 йилларда Судьялар олий мактабини **498** нафар номзод битирди.



Битирувчиларнинг **465** нафари ёки **93 %** судьялик лавозимларига тайинланди.



## Раҳбар судьялик лавозимлари учун кадрлар захирасини шакллантириш



Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан тизимда раҳбар судьялик лавозимлари учун кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида икки ойлик қайта тайёрлаш курслари жорий этилди.

Шу мақсадда апрель ойида **200 нафар судья** тест синовларидан ўтказилиб, энг юқори балл олган **60 нафари** туманлараро, туман (шаҳар) суди раиси ва раис ўринбосари лавозими учун захирага олинган ва икки ойлик қайта тайёрлаш курсига жалб қилинган.



Қайта тайёрлаш курсларида асосий эътибор суд бошқарувини самарали ташкил этиш, ташаббускорлик, вазифаларни аниқ белгилаш, вақтни бошқариш, муайян муаммоларга ўз вақтида ечим топиш, жамоатчилик билан очиқ мулоқотлар ўтказиш каби кўникмаларни шакллантиришга оид назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди. Ўқув машғулотлари ҳуқуқшунос олимлар, малакали психологлар ва катта тажрибага эга суд фахрийлари томонидан олиб борилди.

## Судьялар олий мактабида малака оширган судьялар


Жиноят ишлари бўйича




Фуқаролик ишлари бўйича



Иқтисодий ишлари бўйича



Маъмурий ишлари бўйича




Жиноят ишлари бўйича




Фуқаролик ишлари бўйича



Иқтисодий ишлари бўйича



Маъмурий ишлари бўйича



# 268

нафар судьялар малака ошириш курсларида малакасини оширган.

# 600

нафар суд ходимлари малака ошириш курсларида малакасини оширган.

2024 йилда жами

**868 нафар** тингловчи малака ошириш курсларида малакасини оширган.

Шулардан

**88 нафари** жиноят ишлари бўйича,  
**81 нафари** фуқаролик ишлари бўйича,  
**56 нафари** маъмурий,  
**43 нафари** иқтисодий судьялар,  
**100 нафари** жиноят ишлари бўйича,  
**77 нафари** фуқаролик ишлари бўйича,  
**42 нафари** маъмурий,  
**42 нафари** иқтисодий суд суд аппарати ходимларидир.



## Судьялар олий мактаби тингловчилари билан учрашув



Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан **“Ҳалоллик ва поклик – адолатнинг саодатли йўли”** мавзусида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим иштирокида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда суд фахрийлари, судьялар (вилоятдагилар масофадан), судья-лик лавозимларига номзодлар иштирок этди.

Суд тизими вакиллари учун маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши, унда таниқли олимлар, атоқли адиблар иштироки яхши анъанага айланиб бормоқда.

Тадбирда, қонун устуворлиги, ижтимоий адолатни таъминлаш масъулиятли ва шарафли вазифа ҳисобланади. Бунинг учун қонунларни пухта билиш ва тўғри қўллашдан ташқари маънавий баркамоллик ҳам талаб қилади. Зеро, маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон адолатсизликка йўл қўймайди.

Жонли ва самимий ўтган тадбирда **Усмон Азим** инсон саодати унинг ҳалол ва поклигига боғлиқ экани, бу ғоя унинг деярли барча асарларида акс

эtgани, шунингдек, адолат ҳаётнинг бош маъноси, тараққиётнинг таянч нуқтаси эканини таъсирли мисоллар билан ифода қилди.





Судьялар олий мактабида педагогика фанлари доктори, профессор **Қозоқбой Йўлдошев** билан учрашув бўлиб ўтди. Жонли мулоқотда одил судловни амалга оширишда тилнинг аҳамияти қисқа ва лўнда ифода қилинди: миллатнинг қиёфаси тилда намоён экан, унинг суддаги акси суд ҳужжатларида кўринади.

Ҳукм ва қарорларнинг тушунарли ва раво ёзилишига, иш бўйича ҳар бир ҳолат, айниқса, тарафларнинг важларига берилган ҳуқуқий баҳонинг ҳужжатдаги ифодасига қараб, судьянинг тил бўйича саводи ҳақида бемалол тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Бундан ташқари суд қарорларини тарафларга тушунтириш жараёни ҳам ўзбек тилини чуқур билиш ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Учрашувда шунингдек суд тизимида китобхонликни тарғиб этиш ҳамда кадрларнинг маънавиятини ошириш масаласига ҳам алоҳида тўхталди.





## Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик



Жамоатчиликга 2024 йилда Судьялар олий кенгаши мутасаддилари иштирокида **3 марта** матбуот анжумани, **2 марта** брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг ахборот берилди. Шунингдек Судьялар олий кенгаши фаолияти ҳақида турли оммавий ахборот воситаларида **332 та** матнли, **103 та** видеоматериаллар эълон қилинди.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган судьяларнинг хатти-ҳаракатлари, шунингдек уларнинг дахлсизлиги ва суд ишларига таъсир кўрсатишга уриниш эҳтимолини юзага келтирган **65 та (2023 йилда – 73 та; 2022 йилда – 91 та)** танқидий материаллар тегишли муносабатлар бидирилди.



## Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ишлаш муаммо ва ечимлар мавзусида семинар



Олий суд, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар матбуот котиблари ҳамда журналистлар ўзаро мулоқотда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тизим фаолияти бўйича қонунга хилоф ва асоссиз эълон қилинаётган чиқишлар судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигига таъсири алоҳида эътибор бўлди.

Ахборот хуружларига объектив ва тезкор муносабат билдиришнинг турли услуб ва шакллари, ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар ўртага ташланди.

Шунингдек, судьяларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигига доир Судьялар одоби кодекси қоидалари, бу жараёнда матбуот котибларининг вазифалари хусусида гапирилди. Алоҳида қайд этилдики, аҳолини судга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш тизим олдидаги устувор вазифа эканлиги, бунда жамоатчилик билан алоқаларга масъул

бўлган матбуот котиблари зиммасидаги вазифалардан келиб чиқиб, уларга лозим шароитлар яратишдан ташқари жойлардаги айрим суд раҳбарлари ахборот сиёсати масаласида қарашларини ўзгартириши лозимлиги ҳам эътибор қаратилди.







## Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари бўйича таҳлил

Судлар номи	2021	2022	2023	2024
Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари	5140	6858	6489	7962
Суд қарорлари юзасидан	3661	4532	3941	5289
Судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан	120	341	421	500
Бошқа масалалар юзасидан	1359	2016	2127	2173
Шикоят ва такрорий муурожаатлар	498	481	146	743
Ишонч телефонлари орқали	1569	2466	2977	2374
Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси	2106	2896	2973	4733

### Муурожаатларни ўрганиш динамикаси

Рад этилган

2

Тушунтириш берилган

3848

Тааллуқлилиги бўйича юборилган

2282

Қаноатлантирилган

31

## Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши

### Суд қарорлари юзасидан келиб тушган

**7962** та шикоятдан  
**2851** таси фуқаролик,  
**4184** таси жиноят,  
**402** таси иқтисодий,  
**525** таси маъмурий судлар томонидан  
чиқарилган қарорларга тўғри келади.

### Келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижаларига кўра

**31 та** мурожаат қаноатлантирилган,  
**2 та** мурожаат рад қилинган,  
**2282 та** мурожаат тааллуқлилиги бўйича юборилган,  
**700 та** мурожаат кўрмасдан қолдирилган,  
**362 та** мурожаат маълумот учун қабул қилинган,  
**3848 та** мурожаат юзасидан тушунтиришлар берилган,  
**515 та** мурожаат бўйича Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий Кенгаши ва малака ҳайъатлари  
томонидан ўрганиб чиқиш учун юборилган.

### Бундан ташқари, судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган

**500 та** шикоятдан  
**76 таси** фуқаролик,  
**71 таси** жиноят,  
**13 таси** иқтисодий,  
**14 таси** маъмурий суд судьяларига  
тўғри келади.

## Судьянинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган

**500 та** муурожаатнинг

**70 тасида** важлар ўз тасдиғини топган бўлиб,

**8 нафар** судья лавозимидан озод этилган,

**18 нафарига** “ҳайфсан” интизомий жазо чораси,

**19 нафарига** “огоҳлантириш” ва

**3 нафарига** “жарима” интизомий жазо чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатлар таҳлил қилиниб, таҳлил натижалари жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатлари билан ишлаш, асоссиз ва такрорий муурожаатларнинг олдини олиш борасида тегишли чора тадбир белгилаш учун Олий малака ҳайъати, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатларига юборилди.

Ишларни кўришда сансалорликка йўл қўйганлиги, қўпол муносабатда бўлинганлиги ёки судьялар одоби кодекси қоидаларига зид бошқа хатти-ҳаракатларни содир этганлиги ҳақида маълумотлар келиб тушган ҳамда илк бор судьялик лавозимига тайинланган номзодлар билан **97 маротаба** суҳбат ўтказилиб, расман огоҳлантирилган.





## Судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари

Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги 1646-сонли қарори билан “Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Низомга кўра судьялар фаолиятининг самарадорлиги инсон омилисиз ва аралашувисиз 100 баллик баҳолаш тизимида асосий ва қўшимча мезонлар асосида баҳоланади.

Суд қарорларининг сифати, судьянинг масъулияти ва одоби ҳамда судьянинг чет тилларини билиши асосий баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Судьянинг иш ҳажми катталиги, Судьялар клуби онлайн форумидаги фаоллиги, илмий даражага эгаллиги, судьяларнинг касбий малака оширишида қатнашганлиги ҳамда муайян иш бўйича тарафларнинг ярашувига (келишувига) эришганлиги қўшимча баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
АХБОРОТ ТИЗИМИ

Логин

Пароль

Кириниш

Судьянинг фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш натижаси  
Баҳолаш даври: 31.12.2023 - 01.01.2025

**83**  
ЯХШИ

**Жаббаров Иброхим Султонмуратович**  
ЖИБ Чортоқ туман суднинг раиси

Туғилган санаси: 01.10.1978

Судьялик стажи: 2 йил

Малака даражаси: 4

Биринчи инстанцияда 287 та жиноят ишини куриб тамомлаган.  
Биринчи инстанцияда 2474 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини куриб тамомлаган.  
Биринчи инстанцияда 692 та материаллар куриб тамомлаган.

Суд қарорларининг сифати:		50/30	
Бекор қилинган суд қарорлари	4	-8	
Жазо қўллаш тўғрисида қарор	4	-8	
Бекор қилинган суд қарорлари	3	-12	
Айблов ҳукми	3	-12	
Жами	7	-20	

Судьянинг одоби ва масъулияти:		45/45	
Жами			

Чет тилларини билиши:		5/0	
Жами			

Қўшимча баллар:		+8	
Муайян иш бўйича тарафларнинг ярашувига (келишувига) эришганлиги		+3	
Иш ҳажми		+5	

## Судьялар ва уларнинг ота-оналарини тақдирлаш

Жорий йилда фаолият кўрсатиб, ўзининг чуқур билими, одоб-ахлоқи ва маънавий фазилатлари билан касбдошларига намуна бўлаётган, **18** нафар судья **“Ибратли судья”** мукофоти билан ҳамда **6** нафар судьянинг ота-онасига ташаккурнома билан тақдирландилар.

2020 - 2023 йилларда жами **50** нафар судья **“Ибратли судья”** мукофоти билан тақдирланган. Бундан ташқари, жамиятда адолат ўрнатилишида алоҳида ўрнатилган **25** нафар судьянинг ота-онасига ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.



## Судьялар ва уларнинг ота-оналарини тақдирлаш



2024 йилнинг 18 май куни Судьялар олий кенгаши ва “Минтақавий мулоқот” (Словения) халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали ҳамкорлигида "Ибратли судья" анжумани ўтказилди.

Конференциянинг асосий иштирокчилари “Ибратли судья” мукофотининг соҳиб ва соҳибаларидир. Шунингдек тадбирда АҚШ Орегон федерал округи судьяси Мустафо Касубхай ва Жанубий Калифорния федерал округи судьяси Эллисон Годдард, “Минтақавий мулоқот” халқаро ташкилоти директори Мьюша Север, ушбу ташкилот эксперти Горан Клеменсич қатнашди. Конференцияда, ҳар икки давлатдаги судьялик лавозими учун жорий этилган талаб ва қоидалар, мазкур лавозимга танлаш ва тайинлаш тартиблари, буларнинг ҳуқуқий асослари ҳам сўз юритилди.

Профессионал судьялар корпусини шакллантиришда "Ибратли судья" мукофоти совриндорларининг тажрибаси ва малакасидан фойдаланишга эътибор қаратилди. Бунинг назария ва амалиёт ўртасида ўйғунлик барқарорлигида аҳамияти катта бўлиб, пировардида, одил судлов сифатини оширишга хизмат қилади. Иккинчидан, бундай тадбир “Ибратли судья” мукофоти эгаларининг масъулият ва мажбуриятини янада оширишга ҳам таъсири бор.





## «Суд фахрийси» кўкрак нишони



Байрам муносабати билан **51 нафар** устозларнинг кўксига «Суд фахрийси» кўкрак нишони тантанали равишда тақиб қўйилди.

Шу муносабат билан Судьялар олий кенгашида ўтган мухтасар тадбирда фахрийларнинг меҳнатлари яна бир бор ҳақли равишда эътироф этилди. Кўкрак нишони таъсис этилгандан буён жами **239 нафар** фахрий тақдирланди.



## Эътибор, эътироф ва эҳтиром

Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Судьялар олий кенгаши одил судловни амалга ошириш билан бирга муносиб кадрларни етиштиришда ҳам алоҳида фаоллик кўрсатган фахрийларнинг меҳнатларини яна бир бор эътироф этди.









## Ўзбекистон Судьялар клуби



ПФ-6127-сон Фармон асосида 07.12.2020 йилда ташкил этилган Судьялар клубининг электрон платформасида судьянинг дахлсизлиги бузилган ҳолатлар тўғрисида тезкор хабар юбориш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ўзаро мулоқот асосида судьялар малакасини ошириш ва ягона суд амалиётини жорий этишга кўмаклашиш тизими яратилди.

Клубнинг онлайн форумида суд амалиётига оид **528296 та фикр** алмашилди, Иқтисодий ишлар бўйича **35862 та хабар** қолдирилган.

Форумда фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти **36969 марта**, жиноят ишлари бўйича суд амалиёти **30029 марта**, маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти **37433 марта** иқтисодий суд амалиёти бўйича **35862 марта** муҳокама қилинган.



### Форумда :

- судьялар моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиялар; одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларга тушунтиришлар; судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги билан боғлиқ масалалар;
- судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар;
- судьянинг маънавияти;
- суд тизимидаги янгиликлар ва судьялар учун эълонлар бўлимида мулоқот қилиш имкони яратилди.

## Судьялар клубига янги бошқарувчи тайинланди

Судьялар олий кенгаши қарори билан Маликахон Қаландарова Кенгаш ҳузуридаги Ўзбекистон Судьялар клуби бошқарувчиси этиб тайинланди. М. Қаландарова тизимнинг фаол ва тажрибали вакилаларидан.

Юридик фанлари номзоди, доцент. Халқаро аёл судьялар ассоциацияси аъзоси. 2021 йилдан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьяси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Судьялар клуби бошқарувчиси, шунингдек, Клубнинг маъсул аъзолари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади.



## Судьялар клуби форумида муҳокамалар статистикаси



## Судьялар клубининг форуми ўтказилди



Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Ўзбекистон Судьялар клубининг форуми бўлиб ўтди. Унда иқтисодий ишлар бўйича судлар судьялари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгаш ҳузуридаги Ўзбекистон Судьялар клуби амалдаги моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиявий характерга эга бўлган маслаҳатлар ҳамда судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларига тушунтиришлар бериш ваколатига эга бўлган тузилма бўлиб, жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш қандай самара беришини Судьялар клуб фаолияти мисолида кўриш мумкин. Яъни, Судьялар клубининг асосий иш фаолияти унинг электрон платформаси ҳисобланиб, қайси судьяда иш юзасидан қандай савол туғилса, ўша заҳоти (электрон платформага) ёзиши мумкин. Масала онлайн муҳокама этилади. Айти жаратилганда масалага оидинлик киритилиши бир фойда бўлса, муҳокамада иштирок этган (ёки кузатаётган) бошқа судьялар





учун тажриба мактабини ўташи - иккинчи фойдадир.

Таҳлилларга кўра, Судьялар клубининг онлайн-форумида иқтисодий ишлар бўйича суд амалиётида учраётган муаммолар ҳамда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш юзасидан **5994** та мавзу муҳокама қилинган.

Муҳокамаларнинг салмоқли қисми тўловга қобилиятсизликка оид низолар кўриб чиқилишига боғлиқ бўлиб, бу борадаги қонунларни қўллаш, уларга Олий суд Пленуми доирасида тушунтириш берилиши заруриятини келтириб чиқармоқда.

Бўлиб ўтган форумда тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётида вужудга келаётган муаммолар ва уларни ҳал этишнинг процессуал воситалари хусусида фикр алмашилди, Клубнинг масъул аъзолари томонидан тавсиявий тушунтиришлар берилди.





Кенгаш ҳузуридаги Ўзбекистон Судьялар клубининг фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг онлайн-форуми бўлиб ўтди.

Бу галги форум аввалгиларидан фарқ қилди. Аввал Клуб электрон платформасида энг кўп муҳокамага сабаб бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган бир қанча низолар, уларни суд тартибда кўриб чиқишга доир масалалар битта форум кун тартибига киритилган бўлса, бу сафар анъанавийликдан бироз чекинилди. Форумда бир қанча эмас, долзарблигидан келиб чиқиб, фақат битта масала муҳокама қилинди.




Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низолар тоифаларга ажратилиб, ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида мулоқот қилиш мақсадга мувофиқ деб топилдики, Клуб мутасаддиларининг бундай қарори мавзуни атрофлича муҳокама қилиб, кенгроқ тавсиялар бериш имкониятини яратади.

Форумда ишга тиклаш ва иш ҳақи ундиришга доир низоларни судлар кўриб чиқилиши, ушбу тоифадаги айрим низоларнинг хос хусусият ва мураккабликлари, суд амалиётида қонун ҳужжатларини қўллашда юзага келаётган номутаносиблик ва ҳуқуқий бўшлиқлар, уларни бартараф этиш учун Олий суд Пленуми даражасида тушунтиришлар бериш эҳтиёжи каби масалалар муҳокама қилинди.

Ишга тиклаш масаласи ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Судлар бу жараёнда қарорларни қабул қилишда қонунчиликка асосланган ҳолда, ҳар икки томоннинг манфаатларини ҳисобга олишлари шарт.

Шу билан бирга, ишга тиклашга доир қонун механизмларининг самарали ишлаши, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта ҳисса қўшади ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилади.



## Суд тизимида фаолият юритган аёл судьялар

2024 йилда Республика бўйича **1526** нафар судья фаолият юритган бўлиб, шундан **225** нафарини ёки **14,7 %** аёл судьялар ташкил этди.

Аёлларнинг **21** нафари раҳбар лавозимларга тайинланган.



### Аёл судьяларни суд ихтисослиги бўйича фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Олий суди	Фуқаролик ишлари бўйича судлар	Жиноят ишлари бўйича судлар	Иқтисодий судлар	Маъмурий судлар	Жами
13	125	40	28	19	225

Аёл судьяларнинг **68** нафари вилоят судларида, **144** нафари туман судларида ишламоқдалар.

**7** нафар аёл судья муддатсиз даврда фаолият юритмоқда.

Жорий йилда Судьялар олий мактабини битирган **34** нафар аёл тингловчи судьялик лавозимига тайинланди.

Қорақалпоғистон Республикаси	27
Андижон вилояти	16
Бухоро вилояти	8
Жиззах вилояти	4
Қашқадарё вилояти	9
Навоий вилояти	11
Наманган вилояти	15
Самарқанд вилояти	13
Сирдарё вилояти	5
Сурхондарё вилояти	5
Фарғона вилояти	14
Хоразм вилояти	6
Тошкент вилояти	23
Тошкент шаҳри	56
Олий суд	13
<b>ЖАМИ</b>	<b>225</b>





## Суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш



2024 йилнинг 5 март куни Олий суд, Судьялар олий кенгаши, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда “East-west management institute” НТТ Ўзбекистондаги филиалининг “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) қўшма лойиҳаси ҳамкорлигида бўлиб ўтган ажуманда мамлакатимизнинг фаол аёл судьялари, уларнинг Қирғизистон ва Грузиядан ташриф буюрган ҳамкасабалари, шунингдек, Зимбабве давлати вакиллари (онлайн тарзда) иштирок этди.

Судья аёлларимиз сони **200** нафардан ошди.

Бу умумий судьяларнинг салкам **15 %** ни ташкил қилади.

Уларнинг **28** нафари раҳбар судьялик лавозимларига тайинланган.

Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичларига кўра, судьялар орасида хотин-қизлар улушини 2025 йилда **20 %**, 2030 йилда **30 %** етказиш назарда тутилган.



Аёл судьяларни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг ота-оналарини ташаккурнома билан тақдирлаш йўлга қўйилди.



## Халқаро хотин-қизлар куни



Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгашда тадбир ўтказилди. Тизимда юксак обрў-эътибор қозонган, зиммасидаги бурчини бенуқсон адо этиб, жамиятда одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва ёш судья кадрларни етиштиришга муносиб ҳиссасини қўшган аёл судьялар меҳнатлари ҳақли равишда эътироф этилиб, уларга “Суд фахрийси” кўкрак нишони топширилди. Шунингдек, намунали фаолият кўрсатаётганларга Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгашнинг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир онлайн шаклда ўтганининг кўпам аҳамияти йўқ. Чунки, гап масофада эмас, балки эътиборда. Қолаверса, масофа узок бўлгани билан кўнгил яқин барибир. Буни узок давом этмаган бўлса-да, ўзгача шукуҳ ва завқ билан ўтган тантанали тадбир, унда айтилган ҳаяжонли, бироқ бирдай самимий ният-тилақларда яққол сезилди.

Судьялар олий кенгаши намунали фаолият кўрсатиб келаётган судьяларни турли шакл ва кўринишда рағбатлантириб келмоқда, Халқаро хотин-қизлар куни билан ўтказилган тадбир шуларнинг бири ҳисобланади. Уларнинг барчасида “Инсон қадри” тамойили акс этмоқда.



## “Тадбиркор аёл” давра суҳбати ташкил этилди



Тадбиркор аёллар иштирокида ўтган тадбирда хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатлари ҳимояси, бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларда акс этган нормаларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

Шунингдек, иқтисодий низоларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш, судларга мурожаат қилиш тартиби, бу борада юзага келаётган айрим муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий ечимларига алоҳида эътибор қаратилди. Тадбиркор аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда “Тадбиркор аёл” халқаро ишбилармон аёллар Ассоциациянинг вазифа ва ваколатлари, ушбу тузилмага аъзо ишбилармон хотин-қизлар фаолиятида дуч келинаётган айрим ҳуқуқий муаммолар ҳам ўртага ташланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгаши ташаббуси билан чоп этилган “Тадбиркорлар ҳуқуқи суд ҳимоясида” ҳамда “Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби” номли амалий қўлланмаларнинг кичик тақдироти ҳам ўтказилди. Таъкидландики, мазкур қўлланмалар

нафақат иқтисодий суд судьялари, суд ходимлари, судьялик лавозимига номзодлар ва юридик хизмат ходимлари, балки тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, тадбиркор аёллар учун ҳам фойдали ҳуқуқий манба ҳисобланади.





# Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик соҳасидаги ишларни мувофиқлантириш

## Welcome to Judiciaries Worldwide

A Resource on Comparative Judicial Practice  
by the **Federal Judicial Center**

[Learn More →](#)



АҚШ Федерал суд маркази томонидан юритиладиган хорижий давлатлар суд тизимлари ҳамда қиёсий суд амалиётини таҳлил қилувчи порталга Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти тўғрисида маълумот киритилди.

Порталда **20** дан зиёд давлатлар суд тизимлари тўғрисида маълумот ҳамда ҳуқуқий

мавзуларда таҳлилий мақолалар берилган.

Мазкур порталда Ўзбекистон суд тизими ҳақида маълумот жойлаштирилиши мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг самараси тўғрисида бутун дунё ҳуқуқшуносларини хабардор қилиш ҳамда юртимиз суд тизими билан яқиндан танишиш имконини беради.

## “Асосланган гумон: “қамоқ” эҳтиёт чораси мавзусидаги халқаро семинар



Асосланган гумон: “қамоқ” эҳтиёт чорасини танлаш ва судгача ҳибсдан озод қилиш масалалари. Миллий тажриба ва халқаро амалиёт” мавзусидаги халқаро семинар бўлиб ўтмоқда. Судьялар олий кенгаши ва “Минтақавий мулоқот” (Словения) халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги филиалининг ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда халқаро экспертлар, амалиётчилар, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги жиноят ишлари бўйича ҳамда ҳарбий судлар судьялари иштирок этган.

Семинарда гумондор ёки айбланувчига нисбатан судлар томонидан таъсир чоралари қўллаш, хусусан, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ёки ҳибсдан озод қилишнинг ҳуқуқий асослари, далиллар мақбуллиги ва асослилиги текшириш ва баҳо бериш масалалари хусусида сўз юритилди.


Шунингдек, тадбир дастуридан мавзу бўйича АҚШ, Словения ва ўтиш давридаги Европа давлатлари тажрибаларини ўрганиш ҳам ўрин олган.



## “Тадбиркор аёл” давра суҳбати ташкил этилди



Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида “Суд этикаси: миллий тажриба ва халқаро меъёрлар” мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди. Икки кунга мўлжалланган тадбир Судьялар олий кенгаши ташаббуси ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) “East-west management institute” ННТ Ўзбекистондаги филиалининг “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) қўшма лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилди.



Суд этикаси бўйича халқаро эксперт Инга Тодрия иштирок этаётган тадбирда Судьялар олий кенгаши аъзолари, жойлардаги судлар судьялари малака ҳайъатлари ҳузуридаги Судьялар одоб комиссияси вакиллари қатнашган. Тадбирнинг биринчи кунда суд этикаси бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари, уларнинг аҳамияти ва миллий қонунчиликдаги ифодалари ҳусусида сўз юритилди.

Одил судлов Конституция ва қонун талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда қарорлар қабул қилиш билангина чегараланмайди. Суд ҳокимиятининг обрў ва нуфузи судьяларнинг профессионал салоҳиятидан ташқари юксак одоби ва маънавиятига ҳам боғлиқдир.

## Мигрантларни ноқонуний ташишга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасида семинар



“Мигрантларни ноқонуний ташишга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш: миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Бош прокуратура ҳамда БМТнинг Жиноятчиликка ва гиёҳвандликка қарши курашиш Бошқармаси (UNODC) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъуллари, экспертлар, Олий суд, Судьялар олий кенгаши ҳамда Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактаби мутасаддилари иштирок этди.

Давра суҳбатида трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, бу борада қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг миллий қонунчиликка уйғунлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига “Мигрантларни ноқонуний ташиш” моддаси билан тўлдириш юзасидан фикр алмашилди.





Жорий йилнинг 11–14 ноябрь кунлари Сингапур шаҳрида “Суд тизимига ишончни мустаҳкамлаш” мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Суд бошқаруви халқаро ассоциацияси (IACA) томонидан АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) “Суд тизими мустаҳкамлаш” (JSSA) лойиҳаси кўмагида ташкил этилган халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши вакиллари ҳам иштирок этди.

Конференция якунида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Суд бошқаруви халқаро ассоциацияси (IACA) аъзолигига қабул қилинди.

IACA суд тизими бошқаруви бўйича мутахассислар ва муассасаларни бирлаштирадиган халқаро ташкилотдир.

Суд тизими бошқарувини такомиллаштириш ва тадқиқ қилиш, энг яхши амалиётлар бўйича ресурслар тақдим этиш, халқаро даражада тажриба алмашиш, судлар мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни тарғиб қилиш мазкур халқаро ташкилотнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, конференциялар, семинарлар ва тренинглари ташкил этиш орқали аъзо давлатлар вакилларининг малакасини ошириш, зарур қўлланмалар ва илмий мақолалар нашр этиш ҳам ушбу ташкилот фаолиятида алоҳида ўрин тутди.



## ҚОЗОҒИСТОН



Қардош халқ судьялар ҳамжамияти вакилларини юртимизга ташрифи билан қутлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, хусусан, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, уларни танлаш ва лавозимга тайинлаш бўйича жорий этилган очиқ ва шаффоф тизим, уларнинг ҳуқуқий асослари ва амалий натижаларида ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, амалиётга муваффақиятли жорий этилган судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тизими, унинг мезонлари, Кенгаш ҳузуридаги Ўзбекистон Судьялар клуби, айниқса, клуб электрон платформасининг судьялар фаолияти самарадорлигини янада оширишдаги аҳамияти ва афзалликлари билан яқиндан таништирилди.

Шунингдек, амалиётга муваффақиятли жорий этилган судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тизими, унинг мезонлари, Кенгаш ҳузуридаги Ўзбекистон Судьялар клуби, айниқса, клуб электрон платформасининг судьялар фаолияти самарадорлигини янада оширишдаги аҳамияти ва афзалликлари билан яқиндан таништирилди.







Дўстона ва конструктив ўтган учрашувда меҳмонлар яқиндагина Қозоғистон Одил судлов академияси ушбу мамлакатнинг Олий суди таркибидан Судьялар олий кенгаши юрисдикциясига ўтказилганини маълум қилиб, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби фаолияти, хусусан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш борасидаги тажрибалари билан яқиндан танишишга катта қизиқиш билдирди. Мазкур йўланиш нафақат бугунги ташриф, балки ўзаро ҳамкорликнинг истиқболида устувор аҳамият касб этиш алоҳида таъкидланди.

Шу куни қардош халқ судьялари ҳамжамияти вакиллари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабига ташриф буюриб, ушбу ихтисослашган давлат таълим ва илмий тадқиқот муассасаси фаолияти билан танишдилар.

Яқунда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Қозоғистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжатда дўстона муносабат ва ҳамкорликни



янада чуқурлаштириш, судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини такомиллаштириш, судья кадрларни тайёрлаш бўйича умумий фаолиятга доир ўқув дастурларни амалга ошириш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш, тажрибалар ҳамда ахборот алмашиш, семинар ва форумлар ташкил қилиш ва бошқа қатор масалалар қамраб олинган.

## Кенгаш делегациясининг Остонага ташрифи



Қозоғистон Республикаси Судьялар олий кенгаши таклифига биноан жорий йилнинг 25-26 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Холмўмин Ёдгоров бошчилигидаги делегациянинг Остона шаҳрига ташрифи амалга оширилди.

Маълумки, жорий йилнинг июль ойида қўшни давлат судьялари ҳам-жамияти вакиллари юртимизда бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, суд мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини самарали таъминлаш, айниқса, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, уларни танлаш ва лавозимга тайинлаш бўйича жорий этилган тартиблар билан яқиндан танишиб, яқунда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Қозоғистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

Остона ташрифида (ҳамкорлик тўғрисида Меморандум доирасида) Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан жорий этилган Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тизими, Ўзбекистон Судьялар клуби ҳамда клубнинг онлайн форуми тақдирлари ўтказилди.





## АҚШ

АҚШ Аёл судьялар ассоциациясининг йиллик конференцияси бўлиб ўтди. Калифорния штатининг Сан-Диего шаҳрида ташкил этилган тадбирда дунёнинг йигирма икки мамлакати аёл судьялари вакиллари, жумладан, Ўзбекистондан Судьялар олий кенгаши шўъба раҳбари Нодира Бобохонова ва Олий суд судьяси Муҳаббат Рабиева иштирок этди.

“Одил судлов: ўтмиш, бугун ва келажак – уйғунлик сари” мавзусида ўтган конференцияда одил судловни амалга оширишда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг суд тизимидаги ролига доир масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, озодликдан маҳрум этилган хотин-қизларни жамиятга муваффақиятли қайтариш бўйича илғор тажрибалар ўрганилди. Турли давлат аёл судьялари ўртасидаги самарали ҳамкорлик хусусида сўз юритилди.

Бундан ташқари одил судловни амалга оширишда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, бу жараёндаги юзага келадиган муайян муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий ечимлари бўйича фикр алмашилди. Судьялар хавфсизлигини самарали таъминлаш, иш ва шахсий ҳаёт ўртасидаги мувозанатни сақлаш бўйича тажрибадан ўтган қоидалари юзасидан жонли мулоқотлар қилинди.



## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ



Жанубий Корейнинг Сеул шаҳрида Судьялар малакасини ошириш халқаро ташкилотининг (IOJT) навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Дунёнинг 70 дан ортиқ давлат вакиллари жамланган

Конференциядан кўзланган мақсад судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар корпусини шакллантириш ҳамда судьяларнинг малакасини ошириш масалаларида фикр алмашиш бўлиб, ҳар бир давлат вакиллари миллий тажрибаларини тақдим қилди.

Жумладан, Судьялар олий кенгаши котиби Хуршид Содиқовнинг Кенгаш томонидан ташкил этилган Ижодкор судьялар клуби фаолияти тўғрисидаги маърузаси ҳамда судьяларнинг малакасини оширишга доир ўқув дастурларига уларнинг маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ масалаларни киритиш борасидаги таклифлари конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиш масалалари конференция муҳокама марказида бўлди. Бу борада вакилларимиз илгари сурган концепция асосида Ўзбекистон, АҚШ, Хитой, Сингапур, Бразилия ва Жанубий Корея делегациялари томонидан халқаро ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузишга келишиб олинди.





## СЛОВЕНИЯ

2024 йилнинг 30 январь куни Судьялар олий кенгаши ва «Минтақавий мулоқот» (Словения) нодавлат халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали ҳамкорлигида “Шахсга нисбатан судгача эҳтиёт чора қўллаш асослари: хориж тажрибалари” мавзuida икки кунлик халқаро семинар бўлиб ўтди. Халқаро тадбирда АҚШ, Словения давлатлари суд тизими вакиллари, халқаро экспертлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган жиноят ишлари бўйича судлар судьялари, шунингдек, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг (жиноят ҳуқуқи йўналиши бўйича таҳсил олаётган) тингловчилари иштирок этишди.



## ИСПАНИЯ



2024 йилнинг 24 февраль куни АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) лойиҳаси кўмагида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Судьялар

олий кенгаши, Олий суди ҳамда Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактаби судьялари ва ходимларидан иборат делегациянинг жорий йил 19 – 22 февраль кунлари Испания қироллигининг Судьялар бош кенгаши ҳамда Судьялар мактабига ташрифи амалга оширилди. Ташриф давомида Испания Судьялар бош кенгаши ҳамда Судьялар мактаби фаолияти ўрганилиб, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар корпусини шакллантириш ҳамда уларнинг узлуксиз таълими масалалари юзасидан тажриба алмашилди.

Мулоқот жараёнида Ўзбекистонда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари тўғрисида ҳам маълумот берилди.






## ҚИРҒИЗИСТОН

2024 йилнинг 24 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашида Қирғиз Республикаси Судьялар кенгаши аъзоларидан иборат делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда изчил давом этаётган суд-ҳуқуқ ислохотлар, уларнинг натижалари билан яқиндан танишиш мақсадида ташриф буюрган қардош халқ делегациясига юртимизда профессионал судьялар корпусини шакллантириш, бу жараёнда жорий этилган янги тартиблар, судьялик лавозимиغا номзодларни тайёрлаш, танлов асосида танлаш ва тайинлаш, тизимда очиклик ва шаффофлик таъминлашнинг ҳуқуқий асослари бўйича батафсил маълумот берилди.

Дўстона ва конструктив ўтган учрашувда икки давлат судьялари ҳамжамиятлари ўртасида тажриба алмашиш ва ҳамкорликнинг истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.



## ТУРКИЯ



Туркиянинг Анқара шаҳрида Туркий Давлатлар Ташкилоти (ТДТ)га аъзо давлатлар Судьялар кенгашлари вакиллари таркиб топган ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ТДТ Судьялар кенгашлари тармоғининг Низом лойиҳаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда Низом лойиҳаси бўйича фикр алмашилди, шунингдек, ТДТга аъзо давлатлар ўртасида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлик механизмлари ва ривожлантириш йўлидаги устувор масалалар муҳокама қилинди.

Судьялар кенгашлари тармоғи Туркий Давлатлар Ташкилотига аъзо давлатлар судьялари ҳамжамиятлари ўртасидаги ҳамкорликни янги bosқичга кўтариб, минтақавий бирдамликни мустаҳкамлайди, қўшма лойиҳаларга амалга оширилишига кенг имконият яратади.

Ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган Низом лойиҳаси Туркий Давлатлар Ташкилоти Судьялар кенгаши раисларининг 2025 йил июнь ойида Озарбайжонда бўлиб ўтадиган учинчи йиғилишида имзоланиши кутилмоқда.





2024 йилнинг 23-25 май кунлари Истамбул шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатлар судьялар кенгаши раислари ва вакилларининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) аъзо мамлакатларнинг Судьялар кенгаши, унинг вазифа ва ваколатлари бўйича тақдимотлари ўтказилди. Жумладан, анжуман доирасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Аъзо мамлакатлар тақдимотидан сўнг ҳамкорликнинг истиқболлари фаол муҳокама қилиниб, якуни бўйича тегишли ҳужжатлар имзоланди.





## Ибрат мактаби



Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан тизимда узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган фахрийларнинг намунали ҳаёт йўли ҳақида “Ибрат мактаби” туркумидан китоблар нашр қилиниб келинмоқда.

Яхши анъананинг узвий давоми сифатида кеча шу туркум доирасида босмадан чиққан яна иккита китоб тақдироти бўлиб ўтди.

Китоб қаҳрамонлари элнинг суюкли фарзандлари, суд тизимининг шубҳадан холи дарғаларидир. “Шарафли йўл соҳиби” китобида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, таниқли давлат ва жамоат арбоби Мирзо-Улуғбек Абдусаломовнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти қаламга олинган бўлса, “Саҳродай кенг, дарёдай тошқин” китобида Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист Парохат Айтниёзовнинг умр йўли ҳақида ҳикоя қилинади.



Ҳар икки китоб муаллифи журналист, “Одиллик мезони” журнали бош муҳаррири Арслон Эшмуродов.

Тадбирда алоҳида қайд этилдики, ҳар бир инсон ҳаётида Устозларнинг ўрни катта. Ким ҳаёти ва фаолиятида нималарга эришган бўлса, уларда устозларнинг алоҳида ҳиссаси бор. Китоб қаҳрамонлари суд тизимида кўпларнинг устози ҳисобланади, айримлар бевосита уларнинг қўл остида ишлаб, касб сир-асрорларини ўрганган бўлса, яна кўплар серқирра фаолиятига ҳавас қилиб, намуна олишга олишга ҳаракат қилгани ҳам рост.

Мамлакатимиз ҳуқуқий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган устозларнинг намунали ҳаёти ва фаолиятини ҳақли эътироф этмоқ шогирдлар бурчидир.

Ҳазрат Навоий айтганларидек, “ҳақ йўлида ранж ила” сабоқ берган устозлар ҳақида китоб нашр этилиши шогирдларнинг лоақал “бир ганж ила” миннатдорлигининг ифодасидир.





Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан Алишер Мардиевнинг мазмунли ва синовли ҳаёти ва серқирра фаолияти тўғрисида "Муносиб яшамоқ бахти" номли китоб нашр этилди. Унда машҳур ҳуқуқшуноснинг мамлакатимиз юриспруденцияси тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси ноёб архив материаллари ва далиллар асосида очиб берилган.



Судьялар олий кенгашининг мамлакатимиз ҳуқуқий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, ҳаёти ва фаолияти ибрат мактабига айланган устозлар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар нашр этилиши мақсадга мувофиқдир. Мақсад - маърифат ва маънавият элчилари бўлмиш китоблар орқали бўлажак ҳуқуқшуносларни тарбиялаш, судьялар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини касбига садоқатли инсонлар бўлиб шаклланишига ҳисса қўшишдир.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос Умсун Астанованинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ёзувчи Арслон Эшмуродов қаламига мансуб “Матонатли аёл қиссаси” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Форишлик оддий қишлоқ аёли Умсун опа Астановани нафақат Жиззах вилоятида, балки республикамызда ҳам кўпчилик яхши танийди.

Оддий деҳқон оиласида туғилиб вояга етган Умсун опа Астанова оддий ишчиликдан ту-

маннинг суд раиси лавозимига бўлган машаққатли, аммо шарафли йўлни босиб ўтди.

**“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос”** фахрий унвонига сазовор бўлган аёл судьялардан биридир.



**“Матонатли аёл қиссаси”** асарида опанинг ҳаёт йўли ҳаётининг воқеалар асосида бадиий талқин қилинган. Муаллиф асарда қишлоқ аёлининг оддий ишчиликдан туман суди раиси даражасига бўлган ҳаёт йўлини ёрқин чизгиларда баён этган.



Конституция байрами арафасида Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан ўзига хос маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда бу йил умумхалқ референдуми орқали мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилингани қайд этилди. Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон қадри – бош тамойил сифатида белгиланиб, “инсон – жамият – давлат” тизими асосий йўналиш сифатида белгиланди.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Конституцияда Судьялар олий кенгаши таркибини демократик тарзда шакллантиришга оид янги норма киритилди.

Конституция байрами арафасида ушбу туркумдаги яна бир китоб нашрдан чиқди. Журналист Турсунали Акбаров қаламига мансуб **“Одиллик ва оддийлик саодати”** номли мазкур китобда салкам чорак аср Конституциявий судда (3 йил судья, 13 йил раис ўринбосари, 7 йил раис сифатида) фаолият кўрсатган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Бахтиёр Мирбобоевнинг осон кечмаган ҳаёт йўли, у киши ҳақида ўқилмаган ҳақиқатлар ўзига хос услубда баён қилинган.



## Устозлар – фахримиз!



**Astanova  
Umsun**

1932 yilda Forish tumanida  
tug'lgan.

O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist faxriy unvoni, "Mehnatda o'rnak ko'rsatganligi uchun", "Mehnat faxriysi", "Shuhrat" medallari, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibasi.

U.Astanova 1949 yilda hozirgi Forish tumanidagi 1-sonti umumta'lim maktabini, 1966 yilda Toshkent davlat yuridik institutini (shoh Tashkent davlat universitetining yuridik fakulteti) tamomlagan.

U.Astanova 1945–2011 yillarda tuman kommunal xo'jaligi idorasida hisobchi, tuman FHDYo mudrasi, ijtimoiy ta'limot bo'limiyo'riqchisi,tumanijroiyo'qo'mustavratsiningo'rinbosari, tuman sudining sudyasi, "Sog'lom arlod uchun" jamg'armasi Forish tuman taysunch juakti direktori lavozimlarida faoliyat ko'rsatgan.

O'zbekiston Respublikasi Sudyalari oliy kengashi Umsun Astanova tahsil olib, katta hayotga ilk qadamlarini qo'ygan Forish tuman 1-umumta'lim maktabiga tashakkur izhor qiladi.

O'zbekiston Respublikasi  
Sudyalari oliy kengashi



**Mardiyev  
Alisher  
Mardiyevich**

1951 yilda Samarqand viloyati,  
Kattaqo'rg'on tumanida  
tug'lgan.

O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi.

A.Mardiyev 1973 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tamomlagan.

A.Mardiyev 1973–2011 yillarda Jizzax, Paxtachi, Pastarg'on tumanlari prokuraturasida prokuror yordamchisi, tergovchi, Samarqand viloyat sudining sudyasi, rais o'rinbosari, raisi, Prezident devonida mas'ul sodim, viloyat adliya boshqarmasi boshlig'ining o'rinbosari, boshlig'i, Samarqand viloyati hukimining birinchi o'rinbosari, viloyat hokimi, Adliya vaziri, fuqarolik ishlari bo'yicha Samarqand viloyat sudining raisi lavozimlarida faoliyat ko'rsatgan.

Alisher Mardiyev sudya sifatida yuksak martabaga erishib, ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos ibrat maktabi yaratganligi alohida e'tirofga molik.

Alisher Mardiyevich Mardiyevga ilk ta'lim berib, katta hayot yo'liga chiqargan ustoz-murabbiylariga, xususan, u tahsil olgan Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on tumani 25-umumta'lim maktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izhor qilamiz.

O'zbekiston Respublikasi  
Sudyalari oliy kengashi



**Mirboboyev  
Baxtiyor  
Shamsutdinovich**

1946 yilda Toshkent shahrida  
tug'lgan.

O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist, "Mehnat shuhrati" ordeni, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi, yuridik fanlari nomzodi, dotsent.

B. Mirboboyev 1969 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tamomlagan.

U 1969–2021 yillarda O'zFA Falsafa va huquq institutida ilmiy sodim, Toshkent yuridik universitetida katta o'qituvchi, dekan, prorektor, Adliya vaziri o'rinbosari, Prezident davlat maslahatchisi, Konstitutsiyaviy sud raisining o'rinbosari, Konstitutsiyaviy sudning raisi lavozimlarida faoliyat ko'rsatgan.

Baxtiyor Mirboboyev sudya sifatida yuksak martabaga erishib, ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos ibrat maktabi yaratganligi alohida e'tirofga molik.

Baxtiyor Mirboboyevga ilk ta'lim berib, katta hayot yo'liga chiqargan ustoz-murabbiylariga, xususan u tahsil olgan Toshkent shahar, Yunusobod tumanidagi 70-umumta'lim maktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izhor qilamiz.

O'zbekiston Respublikasi  
Sudyalari oliy kengashi



**Abdusalomov  
Mirza-Ulug'bek  
Elchiyevich**

1951 yilda Sirdaryo viloyati,  
Yangiyer tumanida tug'lgan.

O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist faxriy unvoni, "Mehnat shuhrati", "Do'stlik" ordenlari, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi. Yuridik fanlari nomzodi.

M.Abdusalomov 1975 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tamomlagan.

M.Abdusalomov 1975-2021 yillarda Sirdaryo viloyat prokuraturasida bo'lim prokurori, katta yordamchi, Xovos tuman sudining raisi, Respublika rahbarlik idoralarida mas'ul sodim, Adliya vaziri o'rinbosari, vazirning birinchi o'rinbosari, O'zbekiston Respublikasi Oliy xo'jalik sudining raisi, Markaziy saylov komissiyasining raisi lavozimlarida faoliyat ko'rsatgan.

2021 yildan O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudining raisi.

Mirza-Ulug'bek Abdusalomov sudya sifatida yuksak martabaga erishib, ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos ibrat maktabi yaratganligi alohida e'tirofga molik.

Mirza-Ulug'bek Abdusalomovga ilk ta'lim berib, katta hayot yo'liga chiqargan ustoz-murabbiylariga, xususan, u tahsil olgan Boyvot tumanidagi 50-umumta'lim maktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izhor qilamiz.

O'zbekiston Respublikasi  
Sudyalari oliy kengashi



**Talibov  
Karim**

1940 yilda Buxoro viloyati,  
G'ijduvon tumanida tug'lgan.

"Shuhrat" medali, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi.

K.Talibov 1969 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tugatgan.

K. Talibov 1964–2006 yillarda Farg'ona politexnika institutida o'qituvchi, Dang'ara tuman prokuraturasida prokuror katta yordamchisi, Qo'qon shahar sudining sudyasi, Farg'ona shahar sudining raisi, Farg'ona viloyat adliya boshqarmasi boshlig'i, Farg'ona viloyat sudining sudyasi, O'zbekiston Respublikasi Oliy sudining sudyasi lavozimlarida faoliyat ko'rsatgan.

Karim Talibov sudya sifatida yuksak martabaga erishib, ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos ibrat maktabi yaratganligi alohida e'tirofga molik.

Karim Talibovga ilk ta'lim berib, katta hayot yo'liga chiqargan ustoz-murabbiylariga, xususan, u ilk tahsil olgan G'ijduvon tumanidagi 5-umumta'lim maktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izhor qilamiz.

O'zbekiston Respublikasi  
Sudyalari oliy kengashi



**Jamolov  
Baxtiyor  
Uroqovich**

1958 yilda Samarqand viloyati,  
Payariq tumanida tug'lgan.

"Do'stlik", 2-darajali "Shon-sharaf" ordenlari, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi.

B.Jamolov 1980 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tamomlagan.

B.Jamolov 1969–2021 yillarda Bulung'ur tuman prokurori yordamchisi, Kattaqo'rg'on shahar prokurori o'rinbosari, Samarqand viloyat prokuraturasida katta tergovchisi, Navoiy va Jizzax viloyatli prokurori, Navoiy viloyat sudining raisi, O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi raisining o'rinbosari lavozimlarida faoliyat ko'rsatgan.

Ayni paytda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Xalq qabulxonasi mudiri.

Baxtiyor Jamolov sudya sifatida yuksak martabaga erishib, ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos ibrat maktabi yaratganligi alohida e'tirofga molik.


Baxtiyor Jamolovga ilk ta'lim berib, katta hayot yo'liga chiqargan ustoz-murabbiylariga, xususan, u tahsil olgan Samarqand viloyati, Payariq tumanidagi 74-umumta'lim maktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izhor qilamiz.

O'zbekiston Respublikasi  
Sudyalari oliy kengashi

20 нафар Суд фахрийларининг фаолияти ёритилган лавҳалар тайёрланиб, улар таълим олган мактабларга ўрнатилди. Фахрийларни ардоқлаш, ёшларда қизиқиш уйғотиш мақсадида улар ўқиган мактабларда учрашувлар ўтказиб келинмоқда.



## Кенгаш томонидан судьялар учун чоп этилган қўлланма ва рисодалар



Ўқув қўлланмада фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати, инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлари, масалалари ёритиб берилган.



Дарсликда суд тизимида манфаатлар тўқнашуви ва коррупция категорияларининг ҳуқуқий тавсифи, коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари мазмуни атроф-лича ёритилиб, халқаро стандартлар асосида суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар баён қилинган.




Рисолада Ўзбекистонда иқтисодий судларга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳамда суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш тартиби юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Иқтисодий судга мурожаат қилиш ва суд ҳужжатлари устидан шикоят қилишда суд харажатлари тўғрисида маълумотлар ҳам акс этган.

Рисола иқтисодий судларга мурожаат қилувчи фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, юридик шахсларнинг вакиллари учун мўлжалланган.





**САНКЦИЯ ВА  
МАЖБУРЛОВ  
ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ  
ҲАМДА МАЪМУРИЙ  
ҲУҚУҚБУЗАРЛИК  
ТЎҒРИСИДАГИ  
ИШЛАРНИ КЎРИШ  
ТАРТИБИ**



“Санкция ва мажбурлов чораларини қўллаш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш тартиби” номли ўқув қўлланма тайёрланиб барча тергов судьяларига етказилди.

Қўлланмада тергов судьялари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш, санкциялар ва мажбурлов чораларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар ҳамда суд ҳужжатлари намуналари берилган.

Мазкур ўқув қўлланмада инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар нормалари ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари қоидаларининг судлар фаолиятида қўлланишига оид масалалар ёритилиб, ушбу масалага оид суд ҳужжатларидан намуналар келтирилган. Шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормалари, уларнинг таснифи ва манбалари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро суди ва Халқаро жинойт суди ҳақида тушунчалар берилган.



Янги таҳрирдаги Судьялар одоби кодекси ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилди.

Судьялар одоби кодекси судья учун одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ касбий фаолиятида, шунингдек хизматдан ташқари вақтда амал қилиши лозим бўлган одоб-ахлоқ, хулқ-атвор қоидалари мажмуи ҳисобланади.

Ҳужжатдаги қоидаларни кенгроқ тушунтириш, уларнинг нафақат ҳуқуқий ва ижтимоий, балки маърифий аҳамиятини изоҳлаш мақсадида кенгаш томонидан “Судьялар одоби кодексига шарҳлар” китоби ҳам нашрга тайёрламоқда.

## Судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Марказий Осиё Сунъий интеллект Ассоциацияси ташаббуси билан “Судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиш: имкониятлар ва муаммолар” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда суд тизими ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлари, ахборот-технология соҳаси вакиллари, Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактабида тингловчилар, шунингдек вилоят ва унга тенглаштирилган судларининг судьялари (масофадан), оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (14.10.2024 й.ПҚ-358-сон) билан Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш Стратегияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, сунъий интеллект технологиялари ривожланишининг жорий ҳолати ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда сунъий интеллектни кенг қўллаш, жадал ривожлантириш мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишлари белгиланди.



Анжуманда судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиш орқали одил судлов сифатини янада яхшилаш, фуқароларнинг судга бўлган ишончини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Бу борадаги халқаро тажриба, судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий этишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида сўз юритилди, илмий изланиш олиб бораётган олимлар ва мутахассислар мулоҳазаларини тингланди.

Конференция якунига кўра судлар фаолиятида сунъий интеллектни жорий этиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузишга келишиб олинди.



## Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан шахмат бўйича турнир бўлиб ўтди



Суд тизимида соғлом муҳитни шакллантириш ва мазкур ақлий спорт турини янада оммалаштириш ҳамда юқори иқтидорга эга бўлган судьяларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган турнир “иккиталик сетка” (Double elimination) форматида кечди.

Судьялар олий кенгаши вакиллари ташкилотчиликдан ташқари ҳакамликни ҳам зиммалари олди.


Тўрт босқичдан иборат мусобақа ғолиблигини бу йил ҳам Нурали Жавлиев бегона қилмади. Ўтган йили ғолиб бўлганида у Тошкент шаҳар маъмурий судининг судьяси эди, бу сафар Олий суд судьяси сифатида бош совринни қабул қилиб олди.

Ўтган йилги турнирда учинчи ўрин билан кифояланган жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар суди судьяси Алишер Нурматов бу сафар иккинчи ўринга эга чиқди.

Учинчи ўрин Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси Беҳзод Жўраевга насиб этди. Ўтган йилги турнирни у кучли бешликда яқунлаган эди.

Баҳслар шахматнинг яхшигина ҳадисини олган судьялар ўртасида ва муросасиз кечганини ғолиб ҳамда совриндорларнинг номиёқ айтиб турибди. Судьялар олий кенгашининг совғалари билан тақдирланди.





# Мундарижа


<b>Кириш .....</b>	<b>5</b>
Судьялар корпусини шакллантириш .....	7
Судьялар дахлсизлигини таъминлаш .....	18
Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик .....	31
Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари бўйича таҳлил .....	33
Судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари .....	36
«Суд фахрийси» кўкрак нишони .....	39
Ўзбекистон Судьялар клуби .....	41
Суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш .....	48
Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик соҳасидаги ишларни мувофиқлантириш .....	51
Ибрат мактаби .....	66
Кенгаш томонидан судьялар учун чоп этилган қўлланма ва рисоалар .....	72

---





Ўзбекистон  
Республикаси  
Судьялар олий  
Кенгашининг



# АХБОРОТИ

Муҳаррир **Улуғбек Халилов**  
Ношир **Аҳмад Тўра**  
Дизайнер **Муҳаммадхон Юсупов**  
Техник муҳаррир **Ўролбой Тўраев**  
Мусахҳиҳ **Гулноза Эргашева**

«IJOD NASHR»

Нашриёт лицензияси **АА № 0050.**

Берилган вақти 15.06.2020

100138. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
Чилонзор даҳаси, 13-мавзе, 45-уй.

Босишга 2025 йил 15 январда рухсат этилди.

Бичими 60x84 1/8. Офсет босма.

“Аptos” гарнитураси.

Нашриёт босма табағи 10.

Адади 100 нусха.



Вог'ланish uchun:  
**+99897 765-56-86**